

Одилжон ҚОДИРОВ

ГУЛШАН ДИЁРИМ

Шеърлар



“Ҳаёт” нашриёти
Андижон - 2006 йил

84(54)6-5 Ўзбек бадиий
адабиёти — Шеърлар

Муаллим шоир Одилжон Қодировнинг она юрт,
табиат гўзалликлари, фарзандлар, ватан ва она
каби мавзулардаги шеърлари жамланган "Гулшан
диёрим" номли бу иккинчи китоби ҳам шеърхон-
лар қалбида эзгу туйғулар уйғотади.


Ю 32196

0918

ХГ-ҚО — 02-01-06 — ША
13.02.06.

Қодиров Одилжон. "Гулшан диёрим".
Шеърлар

© "Ҳаёт" А. 2006



ХЎЖАОБОД

Дадам саксон ёшида,
Саратон қуёшида.
Кезарди машинаси,
Ёнида набираси.
Ҳайрат-ла боқар кўзи,
Таърифга келар сўзи.
- Хўжаобод - гўзал юрт,
Жаннат макон азал юрт.
Чаман гуллар айвони,
Ширмон ёпар нонвойи.
Кўчалари саришта,
Элин дейсиз фаришта.
Кирсангиз "Дехқон бозор",
Бирам кўнглингиз ёзар,
Одамлари тадбиркор,
Боғбон, фермер, пиллакор.
Порлоқ унинг қуёши,
Эзгуликнинг йўлдоши.
Истиқлолдан уриб бонг,
Отар унда нурли тонг!

ТОҒЛАР

Ҳой тоғлар, ёндош тоғлар,
Булутга сирдош тоғлар!
Кезганимда қиш фасли,
Чойшаб мисоли асли.

Оқ дуррали посбон тоғ,
Туташгудай осмон, тоғ.
Кўклам чоғи ям-яшил,
Қирда чўпоним Ашур.

Қўйларга яйлов тоғлар,
Гўзал баҳор, ёз-чоғлар.
Жилға шашти бўлакча.
Тоғлар гашти бўлакча.

Қоровултоғ тизмаси,
Ҳаёлимда чизмаси.
Ёш мусаввир боламан,
Тоғларга лол қоламан!

ОНАЖОН

Онам Иноятхон хотирасига

Соғинаман хуморим, онам,
Шеърларимга туморим -онам!
“Болам”, - деган сўзларингизни.
Меҳр тўла кўзларингизни,

Райҳон, жамбил гулларни кўрсам,
Атиргулнинг атрини туйсам.
Нафасингиз сезаман у дам.
Сиз ҳаётсиз қалбимда, онам.



ДОСТОНЧИ

Тўй бўляпти биз ёқда -
Юртим Фақирқишлоқда.
Қиш эди, совуқ қотдик,
Қўбиз чертар новқотлик.

Сизга айтсам росдан-чи,
Оғам экан достончи.
Тинмай чалиб қўбизин,
Таништирар у ўзин.

Баланд сўрида жойи,
Бошлаб қолди ҳиргойи.
Куйлаб бериб "Манас"ни,
Хўп келтирди ҳавасни.

"Алпомиш" айтган сари,
Қулоқдан кетмас нари.
Олис яйлов, тоғини,
Ўзбек узум, боғини.

Ҳамоҳангда куйларди,
Сўз-достон куюларди.
Юмиб олиб кўзини,
Давом этар сўзини.

Ёқимли, саз ирлари,
Унда юрак сирлари.
Кўп завқландик биз-ёшлар,
Бўлди қарсак, олқишлар!

Билсак, олтмиш ёшида,
Оқ қалпоғи бошида.
Меҳмон бизнинг тўйларда,
Ажиб достон сўйлар-да.

Чакмони бор елкада,
Бўлса ўзбек ўлкада.
Фольклор-чи, жуда яхши,
Айтса, хушовоз бахши.



ҚАМБАР ОТА

(Табиати мусаффо, сўлим ва хушманзара
Қамбар ота дам олиш оромгоҳининг
таърифи олис-олисларга таралган)

Бу ривоят - афсона,
Эли яшар мардона.
Хушҳаво, муқаддас жой,
Куйчиси шарқироқ сой.

Кўнглим қўмсайди гоҳи,
Дам олиш оромгоҳи.
Ўтди кўп ой-у кунлар,
Ёруғ кун, ойдин тунлар.

Текис баланд тепалик,
Қақроқ экан шунчалик.
Сув! - деб нола қиларкан,
Роса бағрин тиларкан.

Дебди: "Чора топамиз", -
Инобатхон опамиз.
Қулоқ тутди нолага,
Гўё чанқоқ болага.

Ариқлар худди камар,
Шод бўлди ота Қамбар.
Насос қўйиб булоққа,
Сув чиқарди тошлоққа.

Эқди райҳон, гул, хина,
Йўллар мисоли зина.
Қурди шинам уйчалар,
Оқбурасой куй чалар.

Баҳор-у, куз, ёзимда,
Атиргуллар таъзимда.
Кўз қувнайди шунчалар,
Боғ дейсиз ниҳолчалар.

Қилинг, дўстим, саёҳат,
Кўк чойи танга роҳат.
Қозон-товоқ, ўчоқлар,
Сизга маҳтал шу чоқлар.

Ҳамоҳанг қўшиқ-куйга,
Дам олиб қайтдик уйга.
Ёғду сочиб чироқлар,
Тунда ажиб чароқлар.

Сочин ёяр мажнунтол,
Сўрида қиз, кампир, чол,
Атрофга нигоҳ ташлар,
Гўзал кўринар Ўшлар.

Меҳмон қилар қуёшни,
Аравон яқин қўшни.
Кўринади "Сураттош",
"Дўстлик" унга елкадош.

Бағрида шифо маскан,
Олмазор баравж ўсган.
Оғушида кенг дала,
Сутдек ойдин куз палла.

Кимки келса бир пасда
Жамолига ҳавасда.
Яшил, маскан чаманим,
Сўлим қишлоғим - маним!



ЖҰМРАГИ УЧДИ

- Ая, қаранг, Дилдора,
Айтсангиз ҳам юз бора.
Ифлос қилди ойнакни,
Ұйнапты чойнакни.

- Төгмагин, ҳой Дилдора,
Қилма мени овора.
Шўхлигингни биламан,
Чиқсам, ҳафа қиламан.

Арт, тозалаб ойнакни,
Синдирмагин чойнакни.
- Синдирмадим, туширдим,
Жўмрагини учирдим.



ЁДГОРЛИК

Отам фронтга кетган,
Тинчлик қадрига етган.
Ўша уруш йиллари,
Ғамгин онам диллари.

Биз яшардик қишлоқда,
Уйимиз пойсувоқда.
Набираларни ҳар дам,
Соғинар эди дадам.

Боқса онам сўзига,
Аҳвол қийин ўзига.
Рўзғори-катта ташвиш,
Даласида шунча иш,

Косиб дадам ўйлабди,
Сўнг онамга сўйлабди:
- Тушдан келиб биламан,
Бугун олиб келаман.

Бир қопда буғдой, шоли,
Қилиб курмақдан ҳоли.
Роса "дук", "дук" туйдилар,
Кичик хирмон уйдилар.

Етти ўғил - жўжа биз,
Ўйлаб қолдик кеча биз.
Боққан экан шу хилда,
Зориқтирмай, бир хилда.

Катталар-чи, энди йўқ.
Ёдгорлик сингани йўқ,
Кели гўё тегирмон.
Кўрсам, бошим эгурман!



ЁРҚИШЛОҚ

Кўркам, салқин хушҳаво,
Ёқимли қўшиқ, наво.
Заррин нурли - зар қишлоқ,
Сой бўйида бор қишлоқ.

Боғларин кезсам секин,
Олма, нашвати тўкин.
Таъми асал узум бор,
Соҳибкорга сўзим бор.

Сиддиқали - боғбони.
Тотли навлар топгани.
Илмга ошиқар ёшлар,
Тенгдошлару курсдошлар.

Яхши хонанда - сенда,
Мафтун-мухлиси мён-да.
Текистилда ой қизлар,
Меҳнатдан гулгун юзлар,

Тупроғи - жаннатмакон,
Пайкаллари донга кон.
Ҳар нарса бор дўконлар,
Растада иссиқ нонлар.
Меҳмондўстдир Ёрқишлоқ,
Ҳар ишда илғор қишлоқ.



ОШ ҚИЛАДИ

- Сени отанг, Адаҳам,
Ишлайдими ҳозир ҳам?
- Ҳа, моҳир тракторчи,
Шогирди Акмал, Йўлчи.
- Онанг нима қилади?
- Бизларга ош қилади.

ҚОРБОБО

- Қаранг, дада, Қорбобо,
Соқоллари бор бобо.
Қишни ҳавас этибди,
Шакар сепиб кетибди.




СОФИНИШ

Поезд бизларни элтар,
Онам кўлини силтар.
Нигоҳ темир изларда,
Кўнглим қишлоқ қизларда.

Яшил ўрмон қарағай,
Ҳамма бизга қарағай.
Бир вақт Пермга етдик,
Соликамск томон кетдик.

Ҳарбий машғулот мана,
Тобланди машқда тана.
Кор, Пильва посёлкамиз,
Соғиндим юрт - ўлкамиз.

Хат кетидан-хат келар,
Севгилим қалбим билар.
Бир куни бир хат кепти,
- Хатинг бахтга тенг депти.



Хат ичида, айтганча.
Кашта гулли рўмолча.
Боқиб ўйларга толдим,
Асраб қўйнимга солдим.
Хат, рўмолча кўнглида
Суйганиму сингил-да!
Тўлиной эди сирдош,
Соғинганим қалам қош!



ЮРЯПМАН

Гулшанойга дер ҳолам:
Айланай, ширин болам.
- Секинроқ юр, шошилма,
Ҳадигимни оширма!
Қияпсан тетапоя.
Қоқилай дединг боя.
- Йўқ, йиқилмай туряпман,
Мен мустақил юряпман.



ЧАНОҚЛАР

Қувнаб пахта теряпмиз,
Хирмон элтиб беряпмиз.
Ҳаракатда бармоқлар,
Ҳосил чўғин салмоқлар.

Уч чаноқ,
Уч чаноқ!
Бодроқ пахта кафтида,
Чаноқ қуёш тафтида.

Пайкалимга дур сочар,
Чаман-чаман нур сочар.
Тўрт чаноқ,
Тўрт чаноқ!

Лўппи пахта кўлидан,
Тола тошар тўнидан.
Йиғсам, уюм тоғ бўлар,
Дехқон кўнгли чоғ бўлар.

Беш чаноқ,
Беш чаноқ!
Оқ пахтажон, оқ пахта,
Миллат фахри - нақ пахта.

Имзо чекдик кеча биз.
Уддаладик режамиз!
Зўр ҳосил,
Мўл ҳосил!

УСТА

Ёшлар автосервисда,
Ҳавас билан дермиз-да.
Қаранг, уста йигитлар,
Оқ “Жигули” дидитлар.

Бизнинг Элдор, Маъруфшер,
Таъмирлайди тўкиб тер.
Пайванд уста кўлида,
Шогирди ўз йўлида.

Ойна, эшикни созлар,
Ёрқинбек-чи, пардозлар.
Носозлик йўқ моторда,
Бензин пуркаб отар-да.

Визиллатиб ранг сочар,
Янгидай чирой очар.
Радиосини айтайин,
Тузатибсиз атайин.

- Аҳмад уста,
- Раҳмат, уста!

ЎТИН

Арралаймиз, кел, Соли,
Ўрик ўтин, шафтоли.
Уюм-уюм ғуламиз,
Болта билан ёрамиз.

Таҳлаб қўйдик, бўлди тоғ,
Дадам биздан кўнгли чоғ.
Пешонамда маржон тер,
Ойим: "Болам, раҳмат", - дер.



ШИФОБАХШ ҚУМ

(Дилкушод қишлоғи бағрида
шифобахш қум бор)

Қоровул тоғ бошида,
Азиз қум ёнбошида.
Эмиб қуёш нуруни,
Элга берар дуруни.
Саратон - ёз чоғида,
Дардмандлар қулоғида.
Шифо истаб одамлар,
Шу манзилга қадамлар.
Қадди букик қари чол
Фориғ бўлди, дарддан шол.
Болакай - оёқ ҳаста,
Қумни кечди у аста.
Фарзни қилиб уч марта,
Даво топди, албатта.
Танга малҳам, ростдан, қум,
Таърифи хўп дoston қум.

ҚОРА СОЧ

Қизлар қишлоқ йўлида,
Соч ўйноқлар белида.
Толим-толим қора соч
Дил хуморим зора соч.

Бир жуфтсан-о, эшилиб,
Кўзим кетар тешилиб.
Гўзаллигинг - ишқингда,
Кокил сени рашқингда.

Ишқингда соз-найчиман,
Қирқилмагин қайчиман.
Қора соч
Қора соч!



ТОҒ АСАЛИ

Укам Соҳиб,
Менга ёқиб.
Қирда қолар,
Асал олар.
Ёқса тутун,
Ари бутун
Ҳар ён учар,
Гулни қучар.
Тоғдан ошиб,
Асал ташиб.
Ғуж-ғуж ари,
Инда бари.
Асал-ширин,
Парда бирин -
Олиб кўрдик,
Оҳ, оҳ! - дедик
- Тоғ асали -
Хўп мазали!

УЛОҚ

От чоптириб Мадамин,
Тезлаштирар қадамин.
Рақиблардан ўтай дер,
Манзилга тез етай дер.

Майдонда талаш қўзи,
Ҳамманинг унда кўзи.
Дадил қўйиб қадамин,
Соврин олди Мадамин.



ДЕҲҚОН БОЗОРИ

Гилос харид қилардик,
Нархин сўраб билардик.
Хандалагу бодринг,
Обиноввотни кўринг.
Қовун, тарвуз қишлоқдан,
Узуми Ёрқишлоқдан.
Қопларда сара - хили,
Миробод қалампири,
Жамбил, райҳон, полиздан,
Ён қўшнимиз "Холис"дан.
Турсун тоға миришкор,
Ҳосилида зўр иш бор,
Шолғом, турпи еридан,
Ҳалол меҳнат теридан.
Деҳқон тортса тарози,
Ҳеч ким бўлмас норози.



ГҶЗАЛДИР ҶШ

Қаранг, гўзал Ҷшни,
Бизларга яқин қўшни.
Боқсам, “Черёмушка”,
Чирой қўшади Ҷшга.

“Навоий”, “Бобур”, билсанг.
Боғ номи, театр, кирсанг.
Замонавий телеграф,
Сўзлашсанг-соз, йўқ тараф.

Илму фаннинг булоғи
Дорулфунун сабоғи.
“Радио-туюн” овози
Хизматидан эл рози.

Оқ қалпоқлар гуллидир,
Бичимлари турлидир,
Ана, Сулаймон тоғи,
Қирга туташ бир ёғи.

Қўбиз қўшиғин бунда
Эшитаман ҳар кунда.
Дўстим бор чун Аравон
Ўш орқали бораман.

Гул, гилам, дўпли бозор,
Кирсам кўнглимни ёзар,
Айтсам бўларкан бошда,
Ўш шаҳри уч минг ёшда.

ЧОРТОҚ

Сўлим маскан Чортоқда,
Юмшоққина ётоқда.
Дам опарди дадамиз,
Бормоқ эди ваъдамиз.

Биз - жўралар - уч ўртоқ,
Кўнгил-кўнгилга муштоқ.
“Нексия”да кетяпмиз,
Манзил сари етяпмиз.

Тоғлар баланд, Кўк - осмон,
Қизиқиб боқар Усмон,

Борлиқ гулзор, хушҳаво,
Табиат дардга даво.
Салқин - сўлимдир боғи,
Меҳмон кутар кучоғи.
Чўмилдик ирик сойда,
Тан яйради бу жойда.
Масаллиқни жамладик,
Анжонча ош дамладик.
Қизик гап уч ўртоқда:
- Маза қилдик Чортоқда!



ЧЕВАР

Гавҳарой чевар,
Касбини севар.
Ўлчаб бўй-бастим,
Тикди шим-кастюм.

Ранги ҳам мосдир,
Ёшимга хосдир.
Орқаю олди,
Қуюлиб қолди.

Келин либослар,
Қаддига мослар.
Шогирд қизлари,
Моҳир ўзлари.

ҚИЗЛАРИМ

(“Қалб дафтари” туркумидан)

Ширин ухлаб бешигида,

Ўсди она эшигида.

Қизларим жон.

Жон қизларим.

Қўлларида кўзмунчоқ,

Суйсам, бирам овунчоқ.

Қизларимнинг,

Қизларимнинг.

Боқаман хўп расмига,

“Ой” қўшилган исмига.

Қизларимнинг,

Қизларимнинг.

Тилин ширин бол дейман,

Ўсма қўйса, хол дейман.

Қизларимнинг,

Қизларимнинг.

Сочинг юв булоғимда,

Ўйна, кул қишлоғимда.

Қизларим жон,

Жон қизларим.

Чевар, шифокор улар,
Хунарда бахти кулар...
Ёшлик гаштини сулар.
Қизларим жон.
Жон қизларим!

БОТИНКА

- Санжар, айтди-ю, уканг,
Йиртилибди ботинканг.
- Ойи, қаранг ҳозир мен
Ўйнагандим Расулман
"От бўлиб" сувни кечдим,
Хўл бўлди, кейин ечдим.

ЁНҒОҚ ЧАҚДИМ

- Вой, тишим,
 - Вой тишим!
- Ортяпти
Ташвишим.
- Данак чакдингми?
 - Ёнғоқ чақувдим.



Мундарижа

Хўжаобод	3
Тоғлар	4
Онажон	5
Достончи	6
Қамбар ота	8
Жўмраги учди	11
Ёдгорлик	12
Ёр қишлоқ	14
Ош қилади. Қорбобо	16
Соғиниш	17
Юряпман	19
Чаноқлар	20
Уста	21
Ўтин	22
Шифобахш кум	23
Қора соч	24
Тоғ асали	25
Улоқ	26
Дехқон бозори	27
Гўзалдир Ўш	28
Чортоқ	29
Чевар	31
Қизларим	32
Ботинка	33
Ёнғоқ чакдим	34

Адабий - бадий нашр

Одилжон ҚОДИРОВ

"ГУЛШАН ДИЁРИМ"

Шеърлар.

Муҳаррир:	Пўлат АБДУЛЛА
Техмуҳаррир:	М. МИРЗАКАРИМОВА
Мусахҳиҳ:	М. УСМОН
Компьютерчи:	Ҳ. ПАРПИЕВ

Босмахонага 13.02.2006 йилда берилди

Босишга 2.03.2006 йилда рухсат этилди

Бичими: 60x84. 1/32. Ҳажми: 1,25 б/т

Буюртма № 319. 550 нусха

Баҳоси келишилган нархда

"Андижон нашриёт-матбаа" ОАЖ
босмахонасида босилди